

**СУРХОН-ШЕРОБОД РАЙОНИ ФЛОРАСИ ПОЛИМОРФ  
ОИЛАЛАРИ**  
**ПОЛИМОРФНЫЕ СЕМЕЙСТВА ФЛОРЫ СУРХАН-  
ШЕРАБАДСКОГО РАЙОНА**  
**POLYMORPHIC FAMILIES OF THE FLORA OF THE SURKHAN-  
SHERABAD REGION**

**Н.Т. Ачилова** - Жиззах политехника институти доценти

**Г. Кенжебаева** – Мухтар Ауэзов номли Қозоғистон университети  
профессори

**N. Achilova** - Associate Professor of Jizzakh Polytechnic Institute

**G.Kenjebaeva** - Professor of Mukhtar Auezov Kazakhstan University

*Аннотация:* Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг таксономик таҳлилида флора учун 66 оила 362 туркумга мансуб бўлган 802 турларнинг тарқалганлиги аниқланди. Оилалар таркибидаги турлар йиғиндисига кўра етакчи полиморф оилалар ажратилди. Унда 15 турдан кам бўлмаган турларга эга оилалар танлаб олинди.

*Калит сўзлар:* Сурхон-Шеробод, ботаник-географик, флора, оила, туркум, полиморф.

*Аннотация:* Таксономический анализ флоры Сурхан-Шерабадского ботанико-географического района выявил распространение во флоре 802 видов, относящихся к 66 семействам и 362 родам. По набору видов в семействе выделялись ведущие полиморфные семейства. В нем были отобраны семейства, насчитывающие не менее 15 видов.

*Ключевые слова:* Сурхан-Шерабад, ботанико-географические, флора, семейство, род, полиморф.

*Annotation:* Taxonomic analysis of the flora of the Surkhan-Sherabad botanical-geographical region revealed the distribution of 802 species in the flora, belonging to 66 families and 362 genera. According to the set of species in

*the family, the leading polymorphic families were distinguished. Families numbering at least 15 species were selected in it.*

**Keywords:** *Surkhan-Sherabad, botanical and geographical, flora, family, genus, polymorph.*

**Кириш.** Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони маъмурий жихатдан Сурхондарё вилоятининг, Термиз, Шеробод, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Денов, Олтинсой ва Сариосиё туманлари ҳудудига тўғри келади. Географик жихатдан Бойсун, Боботоғ ва Кўхитанг тоғлари ҳамда Амударё ораликларида жойлашган, асосан олажинсли, кулранг қизил ва қумли тупроқлардан ташкил топган паст текисликлардан иборат. Мазкур минтақа Ўзбекистони ботаник-географик районлаштириш схемасида, Фарбий Ҳисор округи таркибидаги алоҳида ботаник-географик район сифатида ажратилган[1].

**Тадқиқот объекти ва методлари.** Флора таркибидаги оилалар кетма-кетлиги Спорали ўсимликлар Christenhusz & al. (2011) тизими, Очик уруғли ўсимликлар Christenhusz & al. (2011) тизими асосида, Ёпиқ уруғли гулли ўсимликлар APG IV (2016) замонавий тизими асосида жойлаштирилди. Туркум ва турларнинг сўнгги замонавий номлари International Plants Names Index, The Plant List ва POWO бўйича келтирилди. Турларнинг муаллифлари R.K. Brummit, C.E. Powell қўлланмасидан фойдаланилган.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлили.** Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг таксономик таҳлилида флора учун 66 оила 362 туркумга мансуб бўлган 802 турларнинг тарқалганлиги аниқланди. Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг таксономик таҳлилда ҳам ҳозирга қадар амалга оширилиб келинган ишлардан бири бўлган, етакчи полиморф оилалар ажратилди. Етакчи оилалар қаторини Asteraceae (116 тур – 14,46%), Fabaceae (73– 9,10%), Poaceae (68– 8,48%), Brassicaceae (67 – 8,35%), Amaranthaceae (52-6,48 %), Lamiaceae (36–

4,49%), Apiaceae (28–3,49%), Boraginaceae (27-3,36%) Caryophyllaceae (26 – 3,24%) ва бошқа оилалар ташкил қилади [3]. Бу кетма-кетлик Тоғлиўртаосиё провинциясига хос бўлган белгилардан бири ҳисобланади. А.П. Хохряков фикрича, “...таксономик спектрдаги биринчи олти оила флоранинг асосий жиҳатларини намоён қилиши Тоғли Ўрта Осиёдаги ҳамда Кавказдаги маҳаллий флораларида ҳам ўз аксини топади” деб таъкидлаган. Олим фикри мазкур флорада ҳам ўз тасдиғини топган.

Мазкур флорада етакчи полиморф оилалар қаторига 15 тадан ортиқ турга эга бўлган 15 оила етакчи оилалар деб қабул қилинди. Ушбу етакчи полиморф ҳисобланган оилаларда 599 тур жамланган бўлиб, умумий турларни 74,69 %ни ташкил қилган. Қолган 51 оилада 203 тур, умумий флорани 25,31 %га тўғри келган.

Флорадаги етакчи полиморф оилаларнинг биринчи ва иккинчи учлигидан жами умумий флоранинг 412 тур билан яримидан кўпига тўғри келган (51,37 %). Қолган етакчи 9 оилада 187 тур жамлаган бўлиб, 23,31 %ни ташкил қилади. Флора учун полиморф саналган мазкур оилаларда туркум ва турлар сони уларнинг фоиз улуши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

СШБГР флорасининг етакчи полиморф оилалар, улардаги туркум ва турлар сони ҳамда фоиз улуши

№	Оилалар	Туркум сони	Тур сони	%
1	Asteraceae	53	116	14,46
2	Fabaceae	20	73	9,1
3	Рoaceae	40	68	8,47
4	Brassicaceae	37	67	8,35
5	Amaranthaceae	26	52	6,48
6	Lamiaceae	19	36	4,49
7	Apiaceae	18	28	3,49
8	Boraginaceae	17	27	3,36
9	Caryophyllaceae	10	26	3,24
10	Cyperaceae	9	21	2,61
11	Ranunculaceae	6	18	2,24

12	Euphorbiaceae	3	18	2,24
13	Plantaginaceae	6	17	2,12
14	Amaryllidaceae	1	17	2,12
15	Liliaceae	3	15	1,87
	<b>Жами:</b>	<b>268</b>	<b>599</b>	<b>74,69</b>
	<b>Қолган оилалар</b>	<b>94</b>	<b>203</b>	<b>25,31</b>
	<b>Жами:</b>	<b>362</b>	<b>802</b>	<b>100</b>

Бутун Голарктикада турлар сони бўйича етакчи ўринда турган Asteraceae (Мураккабгулдошлар) оиласи 53 туркум 116 тур билан (14,46%) мазкур флорада ҳам биринчи ўринни эгаллаган. Оилани устунлик қилишида *Cousinia* 19 (2,36%) тур [3], *Artemisia* 14 (1,74%) тур, *Centaurea* 6 (0,74%) сингари туркумлари ҳамда айрим кам турга эга бўлган, лекин тарқалиш диапазони кенг бўлган *Filago*, *Carduus*, *Crepis*, *Tripolium* сингари туркумларга ҳисобига тўғри келади. Маълумот тариқасида, ҳозирги кунда оиланинг ер шари флорасида 13 кичик оила, 1900 туркумга мансуб 32000 тури тарқалган.

Навбатдаги ўринда Fabaceae оиласи туради (Дуккакдошлар). Оиланинг 20 туркумга мансуб 73 тур худудда учраши маълум бўлди. Оилани етакчилик қилишида *Astragalus* (38), *Medicago* (6), *Alhagi* (4) ҳамда айрим кенг тарқалиш ареалига эга бўлган туркумларнинг тулари ҳисобига тўғри келади.

Кейинги ўринда Роасеае оиласи вакиллари ўрин олган (Буғдойдошлар). Оиланинг барча вакиллари ем-хашак ўсимликлар ҳисобланади ҳамда барча ўсимлик жамоаларида иштирок этиб индивид жиҳатдан бошқа оила вакилларида устунлик қилади. Шу билан бирга экологик макони анча кенг бўлиб, текислик минтақасидан то юқори тоғ минтасигача бўлган баландликларда учрайди ва бутун Голарктикадаги барча маҳаллий флораларда етакчилик қилади. Флорада оиланинг 40 туркумга мансуб 68 тури борлиги маълум бўлди. Оиланинг мазкур флорада устунлик қилишида барча вакилларининг ўрни бир хил даражада,

фақатгина *Bromus* (8), *Calamagrostis* (3), *Stipagrostis* (3) туркум вакиллари нисбатан турларга бойроқ.

Иккинчи учликдаги биринчи оила Brassicaceae (Карамдошлар). Флорада оиланинг 37 тукумга мансуб бўлган 67 тури (8,35%) рўйхатга олинган. Оила вакиллариининг аксарият қисми бир йиллик ўсимликлар ҳисобланади, флорада учрайдиган кўпгина турлар Қадимийўртаерденгизи ареал синфи турлари бўлиб (25), тоғ ва чўл флорасида деярли бир хил тарқалган (*Alyssum*, *Capsella*, *Erophila*, *Lepidium*, *Strigosella* ва б.), шу билан бирга оила антропоген омилининг таъсири билан ҳам боғлиқ, сабаби ҳудуд антропоген омили таъсири остида қолган ҳудудларнинг бири сифатида эътироф этилади. Бошқа оилалардан фарқли равишда Brassicaceae оиласи вакиллариининг эфемер турлари ҳудуднинг текислик минтақасида кенг тарқалган.

Amaranthaceae оиласининг мазкур флорада 26 туркумга мансуб 52 тури тарқалган. Оила турларнинг асосий қисми *Amaranthus* (4), *Atriplex* (4), *Caroxylon* (4), *Salsola* (3) ҳамда кенг тарқалиш диапазонида эга бўлган *Spinacia*, *Dysphania*, *Seidlitzia*, *Kaviria* сингари туркумлар турларидир.

Lamiaceae оиласининг флорада 19 туркумнинг 36 тури учрайди. Учинчи учликнинг бошида Ариасеае оиласи (Соябондошлар). Флорада оилани 18 туркумнинг бўлган 28 тури учраши аниқланди. Тарқалган оила вакилари асосан кенг тарқалиш ареалига эга бўлган ҳамда текисликдан то ўрта тоғ минтақасига бўлган ҳудудларда учрайдиган турлар. Шу билан бирга бу турлар майда тупроқли ҳамда олажинсли ёнбағирликларда макон топган турлар эканлиги билан ҳам изоҳланади. Тоғли минтақаларда тарқалган оила вакиллариининг аксарият қисми петрофит турларга тўғри келади.

Навбатдаги оила Boraginaceae (Ғавзабондошлар). Оиланинг флорада 17 туркумга мансуб 27 тури учрайди. Фақатгина флорада *Heliotropium* (5) ва *Lappula* (3) туркумлари нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Учликнинг сўнгида Caryophyllaceae оиласи (Чиннигулдошлар). Оиланинг 10 туркуми 26 тури мавжуд. Оилага мансуб турлар кўплиги *Silene* (6), *Spergularia* (4), *Stellaria* (3) туркумлари ташкил этади. Оила вакиллари Тоғли Ўрта Осиё провинциясидаги барча флораларда деярли бир хил миқдорда тарқалганлигини кўриш мумкин.

**Хулоса.** Флора учун полиморф саналган оилалар флоранинг негизини ташкил этиши билан бирга флоранинг қандай ҳолатда эканлиги билиш имконини беради. Мазкур флорада ўзига хос бўлган, текислик ва тоғли флорани ўзаро боғлаб турувчи, асосий кўприк вазифасини бажарувчи элементлар мавжуд эканлиги билан ҳам изоҳланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Папов В.А.. Ботанико-географическое районирование Узбекистана.//Ботанический журнал 2016,№10.

2. Хасанов Ф.О. Эндемичные растения юго-западных отрогов Гиссарского хребта//Узб.биолог.журн. 1990. № 3. С. 41-45.

3. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби».– Тошкент: Chinor ENK,2009.Т.1.–86,178б.

4. F.O. Khassanov, U. Khuzhanazarov, N. Rakhimova, N.Achilova...**Two new species of Iris L.(Iridaceae Juss.) from Uzbekistan.** - Stapfia, 2013

5. F.O. Khassanov, N Rakhimova, N Achilova **“One More New Species of Iris L. from Uzbekistan”** Stapfia, 2013

6. F.O. Khassanov, D.T. Khamraeva, U. Khuzhanazarov, N.Achilova **“A new species from genus Plocama L.(Rubiaceae Juss.) from Middle Asia”** Stapfia, 2014 - zobodat.at

7. F. Khassanov, K. Tojibaev, N. Beshko...**“Synopsis of the Genus Plocama (Rubiaceae) in the Flora of Uzbekistan”**- JOURNAL OF, 2019